Умавийлар султони Хишом ибн Абдурахмон тахтга чикканида (х.172/м.788 йил) хали ёш, уйланмаган эди. Турмуш куриш истаги тугилиб, ўзига муносиб келинликка номзодларга Куръони каримни ёд олганликни шарт килиб кўйди. Шунда биргина Галин деган жойдан етти юз йигирма нафар Куръон хофизи бўлган киз чикди. Кейин султон иккинчи шарт кўйишга мажбур бўлди: бўлажак завжаси Имом Моликнинг «Муватто» хадис китобини хам ёд билиши керак эди. Шунда хам келинликка номзодлар камаймади: Куртубанинг ўзидан беш юз нафар киз хам Куръонни, хам «Муватто»ни ёд билиши аникланди.

(«Мусулмонларнинг таквим китоби», 2000 йил, 2-чорак)